**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**
“ОРКЕСТР ЧОЛҒУЛАР” КАФЕДРАСИ

**КАҲҲОРОВ ШОХРУХБЕК ҒАЙРАТЖОН ЎҒЛИ**

# “ТРУБА ЧОЛҒУСИДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖРО УСЛУБЛАРИ *(ТРУБА ВА ОРКЕСТР УЧУН И. ЛЕОНОВНИНГ КОНЦЕРТИ МИСОЛИДА)*”

“5150700 – Чолғу ижрочилиги (пуфлама ва зарбли чолғулар)” йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий-ижодий раҳбар:
Ф.Абдуллаев

**Тошкент-2018**

**Мундарижа**


| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ** | **3** |
| **I БОБ.** | **ТРУБА ЧОЛҒУСИДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖРО УСЛУБ-УСУЛЛАРИ** | **7** |
| **1.1** | Труба чолғуси тарихи ва хозирги замон | **7** |
| **1.2** | Труба чолғуси, унинг тузилиши ва ижрочилик услуб-усуллари | **26** |
| | **I боб** бўйича хулоса | **37** |
| **II БОБ** | **И.ЛЕОНОВНИНГ ТРУБА ВА СИМФОНИК ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТИ АСАРИДА ТАЛҚИН МАСАЛАСИ** | **38** |
| **2.1** | Труба ва оркестр учун концерти асари талқини | **38** |
| **2.2** | Труба ва оркестр учун концертининг таҳлили | **52** |
| | **II боб** бўйича хулоса | **56** |
| **3.1** | **И.ЛЕОНОВНИНГ ТРУБА ВА СИМФОНИК ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТИ НОТАЛАРИ** | **57** |

# КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мусиқа оламида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган, миллий руҳдаги асарларни барпо этиш янада жадаллашди. Чунончи, чолғу ижрочилик санъати тафаккурни мазмунан миллий мусиқий тамойиллар билан  бойитиш, тингловчиларни миллий оханглар, анъаналар ва кўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбиялаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган Харакатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишида ўзбек мусиқа санъатига ва унинг хозирги кундаги долзарб муаммоларига тўхталиб ўтганлар. «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Фармойиши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мусиқий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий салохиятни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифалар кўрсатилган. Ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Бугунги кунда ўзбек мусиқасида чолғу мусиқа муҳим ўрин эгаллайди. Композиторлик ижодиётига тегишли бўлган чолғу концерти, камер-чолғу, вокал-чолғу жанрлардаги асарларга эҳтиёж кучли. Ҳозирги кунга қадар асрлар давомида анъанага айланибгина қолмай, ривожланиб бораётган мусиқа ижрочилик санъати анъаналари, мусиқа ифодавий воситалари, миллий

мусиқий мерос ва умумбашарий мусиқий қадриятлар асосида басталанаётган мусиқий асарлар кун сайин оммалашиб, инсон тафаккурига сингиб бормоқда.

Хозирги кунда бундай имкониятлар яратилиши, биринчидан, болаларда куй-қўшиққа, олий таълим муассаларида бастакорлик, ижрочилик каби билим, кўникма ва малакани шакллантиради. Иккинчидан, - мусиқа санъати ўқувчи шахсининг маънавий-ахлоқий маданиятига, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясига таъсир кўрсатади. Ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиради, фикрлаш даражасини кенгайтиради. Учинчидан, - мусиқа санъати навқирон авлодимизни юксак маънавият руҳида баркамол этиб тарбиялайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, ижрочилик санъатига тегишли миллий меросни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, анъанага айланган Республика ёш ижрочилар танлови, “Истеъдод” ва “Санъат ғунчалари” каби ҳалқаро танловларни эслаб ўтиш мумкин.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда ўзбек мусиқа мероси асосида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш усуллари, воситаларини, тарбиянинг педагогик-психологик имкониятларини очиш зарурияти алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки мусиқа ижодиётининг касбий, профессионал жанрига оид назарий ва амалий билимларни, бадиий-мусиқий, эстетик тафаккурни шакллантиришда, маънавий-ахлоқий тарбиялашда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти.** Санъат соҳасида, жумладан концерт ижрочилари учун амалий ижрочилик салоҳиятларини ошириш билан бир қаторда ўз соҳасининг ҳар томонлама ўрганиш, унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишга қодир бўлишлари алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг Битирув малакавий ишимиз марказида пуфлама чолғу ижрочилик амалиётида, хусусан битирув концерт ижро дастуримдан ўрин олган И.Леоновнинг труба ва оркестр учун концертининг талқини ва таҳлилига бағишланган.

**Тадқиқот предмети.** Концерт ижрочилик нуқтаи назаридан И.Леоновнинг труба ва симфоник оркестр учун концерти талқини ва таҳлили.

**Ишнинг илмий янгилиги.** И.Леоновнинг мазкур асари жаҳон мусиқа санъатида, пуфлама чолғулар учун концерт жанри бисотида деярли ўрганилмагани билан боғлиқ. Тадқиқ қилиш ва ёндашув усули ҳам бу борада янгича бўлиб, чолғу концертнинг ўйинли табиати, жанрни тизимлаштириш тамоиллига асосланади.

**Тадқиқот материали** ўрнида композитор томонидан яратилган труба ва оркестр учун концерти танлаб олинган. Мазкур асарни етакчи дунё ижрочиларининг репертуарида ўрин олиши ва жаҳон саҳналарида кўп ижро этилишига қарамай мазкур асарга бағишланган таҳлиллар фақат лавҳали кузатувлар билан чегараланганлигини таъкидлаш жоиз.

**Тадқиқот мақсади:** И.Леонов ижодида жанрнинг ўзига хос талқинини аниқлаш, шунингдек концерт жанрини очиб беришдан иборатдир.

Илмий ишимизнинг асосий вазифаси қаторига қуйидагилар кирди, чолғу концерт таҳлили ва жанр тамойилини аниқлаш, тарихий ривожланиш босқичларини таърифлаб бериш.

Иш кириш, икки боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:**

Чолғу концерт жанри турлари, концерт жанр моҳиятига оид фикрлар баён этилиб, мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий янгилиги, ва амалий аҳамияти асослаб берилади. Шу билан бирга, илмий адабиётларда ушбу масалани ўрганилмаганлиги, тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари, тадқиқот учун объект қилиб танланган асар, ишнинг илмий-амалий янгилиги, моҳияти белгиланади.

Биринчи боб марказида, Труба чолғусининг замонавий ижро услублари, труба чолғуси тарихи олиниб, унинг шаклланиши ва кўринишига оид фикрлар ўрин олган.

Иккинчи боб ўз навбатида икки фаслга бўлиниб, И.Леоновнинг труба ва оркестр учун концерти талқини ва ижрочилик имкониятлари масалаларига бағишланган.

Хулоса қисмида малакавий ишда олиб борилган изланишлар юзасида умумий натижалар чиқарилади.

# I БОБ.
# ТРУБА ЧОЛҒУСИДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖРО УСЛУБЛАРИ

## 1.1 Труба чолғуси тарихи ва хозирги замон

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг тарихимиз, ўтмишимиз ҳамда ўзлигимизга яхшироқ назар сола бошладик. Юртбошимиз ташаббуслари билан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва маданий меросимизга, санъат оламига керакли ўрин тутган ўзбек ва жаҳон мусиқаси, айниқса мусиқа чолғуларига эътибор янада кучайди. Бу ўринда азалий анъаналаримизни тобора тўлароқ тиклаш, моддий ва номоддий маданий меросимиз дурдоналарини, шу жумладан, мусиқа меросимизни муфассал ўргана бориш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уни ёш авлодлар томонидан илмий, назарий асосларини ўрганиш ҳамда ижодий-амалий жихатдан пухта ўзлаштириш учун сўнги йилларда барча зарурий шарт-шароитлар юзага келганини эътироф этиш лозим.

Миллий мусиқа маданиятимизни ҳар қачонгидан чуқурроқ ва атрофлича ўрганиш, уни ҳалқ ичида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бинобарин, ўзбек мусиқа маданияти ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган мусиқа чолғулари ва чолғу мусиқаси қадим-қадимдан бой ва мураккаб тасвирий имкониятларга эгадир. Улар барча ҳалқлар мусиқаси қаби ўзига хос тарихи ва анъаналарга бой. Асрлар оша бизгача етиб келган миллий чолғуларимиз ва чолғу мусиқамизнинг ажойиб намуналари ўзининг ранг-баранг жилоси, оҳангрabo куйлари кишиларга олам-олам шавқ-завқ ва хузур баҳшида этмоқда.

Ўзбек созандачилик санъатида кўп чолғулар қатори Европа мусиқа маданиятига хос мисли пуфлама-дамли чолғулари алоҳида ўрин тутади. Ушбу чолғулар юртимизга XIX асрнинг иккинчи ярмида кириб келди. Ўзбекистонда мисли пуфлама-дамли чолғулар XIX-XX асрлар даври тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш йўллари; уларнинг миллий маданиятимиздаги ўрни ва мавқеиларини аниқ белгилаш анча мураккаб, шу билан бирга баҳсли

масалалардан биридир. Дарҳақиқат, ушбу чолғулар ҳозирги кунда Ўзбекистон ижрочилик санъатининг ўзига хос соҳаларидан бири бўлибга қолмай, миллий мафкуранинг ривож топишида маънавиятимизнинг муҳим жабҳаларидан бирига айланаётир.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон мусиқа санъати бошқа бадиий санъат турлари каби, ўзбек ҳалқининг ноёб санъати сифатида, ўзининг янгидан уйғониш - ривожланиш даврини бошлади ва эндиликда жаҳондаги илғор мусиқа маданиятлари билан ҳамнафас қамолот чўққиларига интилмоқда. Ҳозирги кунда театрларимиз, кўповозли ижрочилик жамоаларимиз ўзбек ҳалқининг баркамол санъатини шон-шухратини, беқиёс ижрочилик маҳоратини нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё бўйлаб намойиш қилмоқдалар. Республикамизда симфоник, эстрада-симфоник, джаз , пуфлама-дамли оркестрлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг таркибида мисли пуфлама-дамли чолғулар бўлмиш труба, валторна, тромбон, туба ҳамда ёғоч-дамли чолғулар: труба, гобой каби чолғулар ўрин олган. Ушбу чолғулар болалар мусика мактаблари, академик лицей ва коллежлари ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқув жараёнида киритилган бўлиб, уларнинг ижрочилик услуб ва усуллари таълим муассасаларида ўзлаштирилмоқда. Бу чолғулар бўйича ижрочиларнинг Республика ҳамда Халқаро миқёсида танловлар ўтказилмоқда ва ушбу танловларда Ўзбекистонлик созандалари муваффақият билан қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллашлари фикримизнинг яққол далилидир.

Россия империяси ҳукумронлиги шароитида (XIX-XX асрлар кесимида) ташкил топган Туркистон ўлкаси муҳити ўзгача ривож олиб келган: биринчидан, анъанавий мусиқа санъати ва ижрочилиги уларнинг намояндалари фаолиятлари билан боғлиқлиги. Иккинчидан Европа мусиқа маданиятининг ўлкага кириб келиши, унинг маҳалий мусиқага таъсири ва уларга турли табақаларнинг муносабати. Учинчидан, рус ва хорижий композитор ва санъаткорларнинг ўзбек анъанавий мусиқаси намуналари тўплаб ёзиб олиш ва уларни ўз ижодларида, яъни янги мусиқа асарлари

яратишида қўллаш. Тўртинчидан, маҳалий аҳоли орасида Европа, жумладан, рус мусиқасини тарғиб этиш ҳамда турли мусиқа жамиятлари ва тўгараклари орқали Европа мусиқа чолғуларини ўзлаштирилиши билан боғлиқдир.

Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудларидаги Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари чор Россияси ҳарбийлари томонидан забт этилиши, улар билан биргаликда мисли пуфлама-дамли ва урма-зарбли чолғулардан иборат рус ҳарбий дамли чолғулар (духовой) оркестри ҳам кириб келган. Чунки XIX асрнинг иккинчи ярмида рус истилоси-мустамлакачилик даври тақазосига кўра ўлкамизга мунтазам равишда рус маданияти, шу жумладан, рус харбий дамли чолғулари оркестри кириб кела бошлади; ҳалқлар ўртасида маданий муносабатларнинг ривожланишига шарт-шароитлар туғилди. Натижада ўзбек мусиқасининг янги қирраларининг очилишига замин яратилди. Маҳаллий аҳолини рус мусиқа санъати билан яқиндан танишуви, аввало ҳарбий оркестр орқали бўлди. Оркестрлар асосан ҳарбий парадларда ёки рус пасхаларида, подшохнинг туғилган кунида ёки тахтга ўтиришларидагина, кейинчалик Тошкентда, истирохат боғлари очилганида улар мунтазам равишда иштирок этиб, турли мусиқа асарларни, асосан оммабоп бўлганларини ижро этишган. Ҳарбий оркестрлар ўзбек сайилларида, кўргазмаларда, бозорларда ҳам чалинадиган бўлди, уларнинг репертуарларида кўпроқ қайта ишланган ўзбек куйларини (оркестрга мослашган) ижро этишга илтилганлар (мақсад маҳаллий ҳалқни ушбу жамоага ва мусиқага жалб қилишдир). Ушбу фаолият кўпроқ ҳарбий капельмейстерлар – Август Эйхгорн, Вячеслав Лейсек, Николай Миронов ва бошқалар хизмати билан боғлиқдир. Улар нафақат ўзбек куйларини дамли оркестр учун қайта ишлаш, балки маҳаллий аҳоли орасида истеъдодли ёшларни пуфлама-дамли чолғуларда чалишни ўргатиш, ижро услубларини ўзлаштириш ишларини ҳам олиб бордилар. Тошкентда “Мусиқа жамияти” қошида тузилган ҳаваскор мусиқа тўгаракларида бу ишлар амалга оширилди. Аҳоли орасида труба ва труба каби чолғулар ўзининг жарангдорлиги билан ажралган бўлиб, етакчилик қилган ва ушбу чолғулар ёшлар томонидан ўзлаштирилган.

XIX-XX асрлар кесимида Туркистон ўлкаси маҳаллий халқи орасида рус ва хорижий чолғу мусиқаси билан таништирган рус ҳарбий оркестри катта аҳамият касб этади. Оркестр ёз пайтлари маданият истирохат боғларида, қишда эса клуб ва циркларда концертлар намойиш этган. Бундай оркестрлар Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида мавжуд бўлган.Капельмейстерлар фақатгина оркестр раҳбари ва дирижёр эмас, балки ўзбек ҳалқ кўшиқлари ва чолғу куйларини оркестрга мослаб, оркестр репертуарларига киритганлар. Тарғибот ва, айниқса кенг оммага профессионал мусиқа таълими билан таништириб, ўзбек мусиқа маданиятининг янада ривожланишига катта хисса қўшганлар.[1]

XX аср бошларига келиб, Тошкентда ҳаваскор ва профессионал симфоник оркестрлари ташкил этилиши симфоник концертлар қўйиш имкониятини берди. Бундан ташқари ўзбек созандаларидан ташкил топган дамли чолғулар оркестри фаол хизмат қилган (кинотеатрлар очилиши ва уларнинг фаолиятларида дамли чолғулари оркестрлари хизмат қилган). Масалан, Марғилонда Дерсен кинотеатрида ўзбек созандалар таркибидан тузилган дамли чолғулар оркестри фаолият кўрсатган, унинг раҳбари ва дирижёри Курбон Чориев (труба) бўлган. 1918 йили Тошкентнинг эски шаҳар ўзбек мактаблари қошида бир неча дамли чолғулар оркестрлари ташкил қилиниб, уларга ҳарбий асирлар таълим беришган, жумладан, капельмейстер Г.Пестряков ўзбек болаларига дамли чолғулари ижро усулларини ўзлаштириш ҳамда оркестр тузилишида фаолият кўрсатган. Тошкентда Туркистон ҳалқ консерваторияси очилишида (1918), мусиқа фанлари таълими орасида, пуфлама-дамли чолғулардан ҳам сабоқ беришган, унинг тингловчи-талабалари мунтазам равишда дамли чолғулар концертларида қатнашиб келишган. Кейинчалик пуфлама-дамли чолғулардан таълим бериш мусиқа билим юртлари (техникумлар, 1923-1924) ҳамда юқори профессионал таълим маскани бўлмиш, Тошкент консерваториясида (1936) оркестр чолғулари

---

[1]1.Каримжон Азимов. Ўзбекистон дирижёрлари. Тошкент, 2001. Фарҳод Абдуллаев. Ўзбекистонда дамли чолғулар оркестри тарихидан. “мозийдан садо”, 2016. № 1, 38-40 б.

факультетида пуфлама-дамли чолғулари таълими ҳам ўрин олган. Шу боис мисли пуфлама-дамли чолғулар бўйича таълим бериш, ушбу чолғуларнинг турли ижрочилик жамоалари таркибида иштирок этилиши, уларга бўлган эътиборни янада ривожлантирди.

Ҳозирги Ўзбекистон мусиқа маданиятини пуфлама-дамли чолғулар ва дамли чолғулар оркестрларисиз тасаввур қилиш қийин, чунки мамлакатимизда кўп овозли мусиқани кириб келиши ҳам ушбу жамоалар фаолияти ва улар раҳбарлари бўлмиш дирижёр-капельмейстерлар ижоди билан бевосита боғлиқ бўлган. Пуфлама-дамли чолғулар ижрочилиги мусиқа таълими тизимида мустақил ўрнашиб олган ва шу йиллар давомида кўпгина етук ижрочи – созандалардан дирижёрлар етишиб келинган.[2] Дамли чолғулар – профессионал ва ҳаваскор шаклида – Республикамизнинг ўқув юртлари, турли корхона, маданият бошқармалари, ҳарбий қисмлар, мудофаа ҳамда ички ишлар вазирликлари қошида, айримлари“миллий”, “халқ”, “намунавий-кўргазмали” оркестри мақомига эга бўлиб, фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз мусиқа ҳаётини янада ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқда.Шулар орасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Алоҳида намунавий-кўргазмали ҳарбий дамли оркестри, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг намунавий-кўргазмали ҳарбий оркестри, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалар дамли оркестри, В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа мактабининг дамли чолғулар оркестри, Наманган мусика билим юртининг дамли чолғулар оркестри ва б. Қатор дамли оркестрлар халқаро танловларда иштирок этиб, совриндор бўлишган.

Ушбу санъатнинг шаклланиши ва ривожланиши таълим, ижод ва ижро масалалари билан боғлиқ. Юртимизда мисли пуфлама чолғулари бўйича профессионал таълим билан ҳозирги кунда болалар мусиқа ва санъат

---

[2]Иккинчи жаҳон уруши йилларида Қўқон шаҳрига 1-сонли Москва ҳарбий мусиқа мактаби кўчириб келтирилган эди. Ушбу мактабга Москва, Одесса ва Кишинёв консерваторияларининг етакчи профессор-ўқитувчилари қобилияти бор болаларни танлаб олиб, уларга дамли чолғулар бўйича бошланғич мусиқа таълимидан сабоқ беришган, уларнинг орасидан таниқли созандалар ва дирижёрлар етишиб чиққан. Жумладан, Наримон Алимов (дирижёр), Пўлат Холиқов (композитор, дирижёр), Ўктамжон Саиджонов (ҳарбий дирижёр), Муҳаммаджон Одилов (созанда, дирижёр), Умиджон Ғубаев (ҳарбий дирижёр), Йўлдошбой Эргашев (дирижёр, ўқитувчи) ва б.

мактаблари, академик лицейлари, санъат ва мусиқа коллежлари (бошланғич ва ўрта маҳсус таълим йўналиши) ҳамда олий босқичи, Ўзбекистон давлат консерваторияси шуғулланиб келмоқда. Ёш истеъдодли ижрочи-созандаларни тарбиялаш, уларнинг маҳоратини янада ошириш мақсадида, айрим дамли чолғуларни, жумладан, труба чолғусини мукаммал даражада ўзлаштиришда ушбу ўқув – қўлланма ёрдам беради. Дамли чолғулар ижрочилик санъати бошқа соҳалар каби маънавий баркамол инсонни тарбиялашда ўзига хос ўрин тутади. Чунки Ўзбекистон маданий ҳаётида ушбу ижрочилик санъати муҳим ахамият касб этади ва у республикамизда профессионал ижрочилик йўналишини юксалишига баракали ҳисса қўшиб келмоқда.

Ушбу ўқув қўлланманинг мақсади - ёш созандаларни труба чолғусининг ижро услуб ва усулларини тўғри ўргатиш, унинг ижрочилик техникасини мукаммал даражада ўзлаштириш ҳамда ижрочининг умумий мусиқий тафаккурини ривожлантириш бўйича ёрдам беришдир.

Хозирги кунда Ўзбекистон мусиқа таълими тизимида болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицей, мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда олий маскан – консерваторияда пуфлама-дамли чолғулари таълими бўйича труба чолғусининг ижро техникасини ўзлаштириш ўзига ҳос босқичларидан иборат: бошланғичда – труба чолғуси билан танишиш, ижрочиликга хос нафас ва чалиш услубларини эгаллаш; оддий машқлар орқали ўқувчилар учун мўлжалланган асарларни ўзлаштириш; ўрта маҳсус таълимида – труба чолғуси ижрочилик маҳоратини такомиллаштириш, маълум даражада мукаммалликка эришиш; олий таълимда асосан мураккаб ижрочилик техникани янада мукаммаллаштириш, мураккаб ва йирик мусиқа жанрдаги асарларни ўрганиш ва талқин этиш; труба чолғусида яккасоз, ансамбль ва оркестр жамоаларда (дамли, камер, симфоник) ижрочилик маҳоратини ошириш ҳамда профессионал труба ижрочиси сифатида шакллантиришдир.

Шу боис ижрочилик маҳорат мактаби икки қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири ўз мавқеи ва қўйилган вазифаси орқали амалга оширилади.

Биринчи қисм консерваториянинг дастлабки 1-2 йили ўқиш жараёнига мўлжалланган (бакалавр таълимининг 1-2 босқичи) ва ўзлаштириш қийинлиги ўсиши нуқтаи назари бўйича тузилган. Уни бошидан то охиригача босқичма-босқич берилган манбаларни - техник машқлар, этюдлар ва дастурда кўрсатилган мусиқа асарларини ўрганиш ва ўзлаштириш тақазо этади (айрим ҳолларда талабанинг индивидуал имкониятларини эътиборга олган ҳолда баъзи ўзгаришларни киритиш, берилган дастур тартибидан чекинишлар ҳам бўлиши мумкин).

Иккинчи қисм (бакалавр таълими 3-4 босқичлари) – ўз ичига бир неча бўлимларни камраб олган; ҳар бирида айрим ижрочилик техникаси усулларини ўзлаштириши учун мўлжалланган намуналар (техник машқлар ва этюдлар; мукаммал ва йирик шаклдаги мусиқа асарлари, жумладан, Европа классик ва замонавий композиторлари ҳамда Ўзбекистон композиторлари дамли чолғулар (айниқса, труба чолғуси) учун асарлари) тавсия этилган. Бу бўлим консерваториянинг юқори курслар талабалари учун ҳамда якуний, битирув имтиҳонини назарга олиб, труба синфи ўқитувчиси ҳар бир талабанинг тайёргарлиги, босқичма – босқич ўзлаштирилган дастури, талаба имкониятлари ҳамда таълимнинг маълум босқичлари вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, труба чолғуси учун турли жанрлардаги мусиқа асарларни танлаб бериши лозим.

Труба чолғусини услубларини ўрганиш ва унинг ижро услубларини ёш авлодга ўқитишдан асосий мақсад - ўзбек мусиқаси истиқболини миллий ва умумбашарий мумтоз анъаналарига бевосита боғлаш ҳамда янги мусиқий тафаккурни барпо этишда ўзига хос ижрочиликни устивор йўналиши этиб белгилашдир.

### 1.1. Труба чолғуси, унинг тузилиши ва ижрочилик услуб-усуллари

Ўзбекистон ижрочилик санъатида мисли пуфлама-дамли чолғулари, жумладан, труба чолғуси алоҳида ўрин тутади. Бу чолғу ўзининг жарангдорлиги ва инсон қалбига яқинлиги, ўрганиш ҳамда ижро этиш жиҳатларидан бир мунча мукаммаллиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Зеро, у мисли чолғулар орасида кенг тарқалган ва севимли чолғуларидан бирига айлангандир. Ҳозирги даврда труба чолғуси симфоник, эстрада-симфоник, дамли ва джаз оркестрларида ўз мавқеига эга бўлиб яккасоз, ансамбль ва оркестр чолғуси сифатида кенг қўлланмоқда. Республикамизнинг барча маҳсус олий, ўрта маҳсус мусиқа таълими муассасаларида труба чолғу синфлари (ушбу чолғу ихтисослиги бўйича) фаолият кўрсатмоқда.

Труба чолғуси жуда қадимий мусиқа чолғусидир. Дастлаб, чорловчи горн сози (айланма қувур шаклида) сифатида , кейинчалик вентиль ускунали чолғу бўлиб, ўзига ҳослиги, жуда бой тембри билан ажралиб туради ҳамда оркестр чолғулари орасида (мисли пуфлама-дамли чолғулари оиласида) фарқли ўрин эгалайди.

Замонавий труба чолғуси XIX асрда кашф этилган бўлиб, оддий тўғри ёки айланма қувурли (қадимги овчилик шохлари каби) хабарловчи ва почтали (алоқа хабарловчи) горнлар асосида шаклланган. 1845 йили таниқли мусиқа чолғулар устаси Адольф Сакс истеъмолдаги турли шохлари оиласини бирлаштириб, труба шаклли, юқорида вентилли пистонлари (Франсуа Перине кашф этган) билан чолғу яратди. Кейинчалик А. Сакс (саксофон чолғусини кашфиётчиси) Жозеф Арбан билан хамкорликда трубасимон чолғу(бюгельгорн, фликорн, флюгельгорн, саксгорн номли)ларни кашф этишади. Дастлаб,ушбу чолғулар такомиллаштирилиб, ривож олиб, альт, тенор ва баритон номли чолғулари сифатида дамли чолғулар оркестри таркибига киритилади.

Труба баланд регистрли дамли мис чолғуси. Яккасоз, ансамбль ва оркестр чолғуси сифатида қўлланилади. Эгилган темир (латунь) қувур

(цилиндрли трубка) кўринишида; унинг тўртдан уч қисми цилиндрли, сўнгиси эса кенгайган конус  (айланма шаклида) ва оғзида раструб (воронка шаклли) билан тугалланиб, яхлит бир чолғуни ташкил этади. Трубка диаметри 11 ммга яқин, канал узинлиги 1500 ммга  яқин. Трубка бошида ярим шарга ўхшаш мундштук жойлашган. Труба чолғуси вентиль механизми (овоз чиқариш парда ускунаси) ва асосий трубка билан боғланган учта крона, яъни ҳаракатдаги парда шохчасидан иборат. Мундштукка яқин вентиль биринчи ; ўрта вентиль иккинчи ва охиргиси эса учинчи деб номланади. Вентилларни ишлаш жараёнида ҳаво кроналар орқали ўтади, натижада ҳаво устунаси узунлашади ва барча табиий товушқатор баландлиги бўйича ҳаракатдаги крона узунлигига қараб пасаяди.

Ҳозирги вақтда олдинги кенг тарқалган педалли труба чолғулардан ташқари помполи (насосли) трубалар ҳам кенг қўлланилмоқда. Улар тузилиши (конструкцияси) жиҳатдан мукаммалроқ, шу боис уларга кўпроқ афзаллик берилади. Ушбу чолғуларда аппликатура (трубада бармоқлар ҳолати) ва ижро усуллари айнан бир хил.

Труба чолғусининг тарихига мурожаат этсак, вентилсиз чолғулар XVII аср бошида опера оркестрига итальян композитори К. Монтеверди томонидан киритилган. 1816 йили илк бор хроматик товушқаторли помполи механизмидан иборат трубалар пайдо бўлди. Ушбу чолғулар яқин орада вентилсиз трубаларни истеъмолдан сиқиб ташлади. 1828-1832 йиллари цилиндр шаклдаги вентиль механизмли трубалар мусиқа ижрочилик амалиётида қўлланиб, труба чолғусининг ривожланиши жараёнида у такомиллашиб борди. Унинг флюгельгорн (яккасоз концерт чолғуси, эстрада ансамблларида кенг қўлланилади) ва корнет (кичик шаклдаги труба, XIX асрларда оммалашиб кетган) чолғу турлари пайдо бўлди. Корнетнинг танаси кўп айланмали, мундштукнинг косаси чуқур бўлгани учун унинг товушини майин ва юмшоқ (бархатли) чиқишини таъминлаб берган. Кўпинча европалик композиторлари ўзларининг опера ва симфоник асарларида корнет чолғусидан самарали фойдаланишган (айнан иккита труба иккита корнет бирлашган

шаклида). Ж. Мейербер, Г.Берлиоз, Ш.Гуно, Ж.Бизе, Ж.Верди, П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков ва бошқа композиторлар табиий труба чолғуларига “хроматик қўшимча” сифатида корнетни қўллашган. Корнет чолғуси кўпроқ “корнет-пистон” (corneta pistons) номи билан юритилган, чунки чолғу помпа - вентилли бўлган (пистолли корнет).

Ҳозирги вақтда симфоник, эстрада-симфоник, жаз, ҳарбий дамли оркестрларда замонавий такомиллашган труба чолғуси ишлатилади. Трубанинг умумий узунлиги (мундштуки билан) 465 – 470 мм. Унинг турлари: кичик труба ёки пикколо труба (катта терция ва тоза квартадан баланд), альт труба ёки флюгельгорн (катта терция ва тоза квартадан паст, Н.Римский-Корсаков томонидан киритилган), бас труба – оддий Си бемоль тонли (октавадан паст, Р.Вагнер ўз асарларида кўп қўллаган). Ж. Верди ташаббуси билан “мисрли” номини олган труба чолғуси - бир вентилли тўғри чўзилган қувурли труба (“Аида” операси партитурасидан жой олган) – ишлатилган. Труба (лотин ва итальянча tuba – труба) чолғуси асосида мисли валторна, тромбон ва туба чолғулари юзага келган ва турли ижрочилик жамоаларида қўлланилмоқда.

## ТРУБА ЧОЛҒУСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Труба чолғуси созланиши бўйича маълум тонлари орқали бир нечта хилларга бўлинади, асосан Си-бемоль (in B), Ми-бемоль (in E), Ми (in E), Фа (in F) ва До (in C) тонлардаги чолғулар.

**Си-бемоль (in B) тондаги труба чолғуси диапазони:**



**Труба чолғусининг табиий товушлари**:



2-чи вентиль ишлатилишида табиий товушқатор ½ тонга пасаяди

1-чи -------------------------------------------------------- 1 тонга пасаяди

3-чи --------------------------------------------------------- 1½ тонга пасаяди

1-чи ва 2-чи------------------------------------------------ 1½ тонга пасаяди

2-чи ва 3-чи------------------------------------------------ 2 тонга пасаяди

1-чи ва 3-чи ------------------------------------------------ 2½ тонга пасаяди

1-чи, 2-чи ва 3чи -------------------------------------------- 3½ тонга пасаяди

Шуни таъқидлаш лозимки, биргина 3-чи вентилни қўлланиши ижро техникасини қийинчилигини осонлаштириш учун фақатгина ёрдамчи аппликатура сифатида фойдаланиши мумкин. Чунки 3-чи крона 1 ½ тондан бир қанча кўпроққа товушни пасайтиради. Замонавий помпали трубаларда 3-чи крона техника воситасига эгадир. У ижро жараёнида товушни зарурий пасайтирилиши учун унинг кулисини (чолғунинг ҳаракат йўналиши механизми) жуда тез очилишига имкон беради. Шу сабабли бундай трубаларда ушбу крона аниқ 1 ½ тонга товушни пасайтиради. Баъзи трубалар тузилишида шундай ускуна 1-чи крона учун ҳам мавжуд. Зеро, табиий товуш - қаторининг бирга барча оралиқлари хроматик ярим тонлар билан тўлдирилади. Улардан ташқари трубада пассаж (сидирға)ларни жуда мураккаб ва усталик билан ижро этишни талаб қилинадиган машқларини техник қийинчилигини осонлаштириш ҳамда оҳангдорликда ноаниқ товушларни тўғри ифодалаш учун асосий аппликатурадан ташқари ёрдамчи аппликатура ҳам қўлланилади.

## Труба чолғусининг асосий ва ёрдамчи аппликатураси

(Пастда асосий аппликатура, юқорида ёрдамчи)



Асосий труба чолғусининг эгилмасида умумий созлаш кронаси жойлашган. Чолғунинг сози унинг силжитмоқлигида пасаяди; тебратмоқлигида – кўтарилади. Бу эса трубанинг умумий созини созлашга имкон беради.

Замонавий оркестрларда Си-бемоль (inB) созли труба кенг таркалгандир. Си-бемоль сози: маъноси ушбу трубаларда табиий товушқаторининг асосий тони амалий товушқатор товуши Си-бемоль деб хисобланади. Ушбу созли труба До (in C) созли трубадан фарқли транспорт чолғуси бўлиб (товушни баландроқ ёки пастроқ кўчириш), шу боис ёзилган товушлар бир тон пастроқ жаранглайди:

**Ёзилиши**:  **Жаранглаши**: 

Трубанинг товушқатор диапазони деярли уч октавага ёйилади, ёзилишидан Фа-диез кичик октавадан учинчи октава Ми товушигача. У пастки, ўрта ва юқори регистрларга бўлинади:




Ўрта регистрда чолғунинг динамик ва ифодали имкониятлари анча ёрқиндир, чунки товуш чиқарилиши, айниқса енгил ва эркин амалга ошади.

Пастки регистр етарли тўлиқ жаранглайди, аммо унда техник харакатчанлик катта қийинчиликларни туғдиради. Энг қийин юқори регистр бўлиб, айниқса, унинг энг баланд товушлари ҳисобланади.

Юқори регистрда трубада чиройли садоланиши ва таъсирли ижрога эришмоқ учун мунтазам машқ қилиш хамда аста - секин чолғу диапазонини кенгайтириш йўли орқали эришиш мумкин. Юқори товушларни чегарасиз ва нотўғри ижро этиш натижасида труба созандасининг профессионаллик сифатини тўла йўқотишига олиб келади.

**Услубий кўрсатмалар**

Бошланғич труба чолғуси таълимига 11-12 ёшдан кам бўлмаган болалар ўзининг мусиқий талаб(эшитиш қобилияти, ритм, хотира) ларига эгалигидан ташқари, соғлом юрак ва ўпкага эга бўлишлари, лаблари ўрта тўлаликда, олди тишлари текис ва табиий тегиб туриши холатигақараб танлаб олинади.

**Труба чолғусида ижро этиш тартиби**

Трубада ижро этиш машғулотлари тик турган ҳолатда бажарилади. Ижрочининг гавдаси тўғри ва зўр бермаслик ҳолда, бошини эркин тарафларга ёки пастга эгилмаган ҳолатда тутиши зарурдир.

Бўйин ва елка мускулларига диққатни кучайтиришга йўл қўймаслик керак. Елкалар енгил ёйилган, кўкраги ростланган, тирсаклар озгина ён тарафга ташланган бўлиши лозим. Оёқлар ижро жараёнида елка кенглигида жойлашган, мустаҳкамлик берадиган ҳолатда ва оёқларнинг бири бироз олдинга чўзиқ холда қўйилади. Чолғучининг тўғри ижро ҳолати - тўлиқ эркинлик ва озодликдир. Труба чолғусини деярли горизонтал, озгина пастга эгилган ҳолда ушлаш керак. Тишларнинг табиий жибслашганлиги ва жағлар тузилишига боғлиқ ҳолда труба чолғусини ушлаш ҳолати ўзгариши мумкин.

**Мундштукнинг лабдаги ҳолати**

Мундштук лабнинг ўртасига жойлаштирилади, юқори лаб таянч вазифасини ўтайди, чунки у юқори ҳаракатсиз жағга тиралиб туради, бу эса мундштукга катта мустаҳкамлик беради. Пастки лабда мундштук жуда маҳкам, аммо ортиқча босимсиз туриши керак. Пастки лаб анча ҳаракатчан

бўлиб, унинг мушаклари ҳаракатидан турли баландликдаги товушлар чиқарилиши лаб аппаратининг техник ҳаракатчанлигига боғлиқдир. Мундштукнинг катта қисмини юқори лабга қўйиш тавсия этилади. Аммо баъзи ҳолатларда жағлар ва тишларнинг тузилиш ҳусусиятига қараб мундштукнинг лабдаги жойлашуви тавсия этилганидан фарқли бўлиши мумкин. Мундштукнинг лабдаги ҳолати доимий ва мустаҳкам бўлиши керак. Регистрлар алмашишида мундштукни лабдаги жойлашувини ўзгартириш мумкин эмас.

**Ижрочилик нафаси**

Труба чолғусининг ижрочилик таълимида нафас олиш техникаси асосий ўринни эгаллайди. Чунки труба чолғуси пуфлама-дамли чолғуларидан бири ҳисобланади. Шу боис тўғри нафас олиш нафақат товуш сифати ва ижронинг ёрқин таъсирига, балки лаб аппарати ва тил техникаси ишлашига ҳам боғлиқдир. Ижро жараёнида ижрочи – чолғучининг у ёки бу даражадаги барча нафас олиш мушаклари, яъни кўкрак қафасини кўтарувчи ва тушурувчи, диафрагма ва ичак исканжаси мушаклари иштирок этади. Ижрочи – чолғучининг ижросида қайси мушакларнинг қай даражада иштирок этишига ва боғликлигига кўра ижрочилик нафасини уч турга бўлиш мумкин.

1.**Кўкрак орқали нафас олиш** - бу кўкрак қафаси мускулларининг ғайратли ишлаши билан характерланади. Бунда диафрагманинг иштироки бўшанг. Нафас олишдаги ҳавонинг ҳажми кўпинча етарли бўлмайди,нафас олиш жараёни кам ғайратлидир. Нафас олишнинг бу тури нафас олиш мускулларининг катта зўриқишига олиб келади, бу эса ижрочининг соғлиғига ёмон таъсир этиши мумкин.Кўкрак орқали нафас олишнинг ташқи аломати елкаларни нафас олаётганда кўтарилишида намоён бўлади. Кўрсатилган камчиликлар труба ижрочилигида бу турдаги нафас олиш услуби яроқсиз эканлигидан дарак беради, шундай бўлсада нафас олишнинг бу нотўғри турини қўллайдиган ижрочилар ҳали ҳам амалиётда учраб туради.

2. **Диафрагма орқали нафас олиш** - бу кўкрак қафаси мускуллари нисбатан ҳаракатсиз диафрагманинг ғайратли ишлаши билан характерланади.

Нафас олиш жуда тез, аммо кўкрак қафаси нисбатан кам кенгайгани сабабли нафас олишда хавонинг ҳажми етарли бўлмайди. Бу турдаги нафас олиш услуби калта мусиқали жумлаларни ижро этилаётганда нафас олишни тез- тез алмаштирилиши билан фойдаланилади.

3. **Аралаш нафас олиш (кўкрак қоринли)** - бу юқорида кўрсатилган нафас олишнинг иккала турини умумлаштирилиши натижасида ҳосил бўлади.Бунда барча нафас олиш мускуллари ғайратли иштирок этадилар. Аралаш нафас олиш услубида бир вақтнинг ўзида бурун ва оғиз орқали иложи борича нафас олишда зарур бўлган ҳаво ҳажмини тез-тез олишни ҳамда равон, давомли нафас чиқаришнинг имконини беради. Бу турдаги нафас олиш асосий деб ҳисобланади, чунки у жисмоний кучни кам сарфланиши туфайли энг яхши товушли натижага эришиш имконини беради ва ижрочининг соғлиғини сақлайди. Нафас олиш етарли чуқур, лекин ҳаддан ташқари бўлмаслиги тавсия этилади. Узун ноталарни ва йирик мусиқали жумлаларни ижро этаётганда барча ҳавони охиригача чиқармаслик мумкин эмас, нафас олиш ва кейинги нафас чиқаришни шундай мўлжаллаш керакки, бир нафасда ижро этилган жумланинг якуний товуши ҳам етарли тўлиқ жаранглаши учун. Нафас олишни ривожлантириш бу равон нафас олишни ишлаб чиқариш; кучи, унинг узунлиги ва товушларни пухталик моҳирлигини узлуксиз эшитиш назорати асосида амалга ошириш керак. Нафас олишни ривожлантириш учун аниқ узунликка зга бўлмаган товушлар давомлиги асосида тузилган махсус машқлар жуда фойдали ҳисобланади.



Ушбу мақсад учун кунда оҳангдор характеридаги мусиқа асарларни ижро этиш тавсия этилади. Ижро этилаётганда уларни нафасини қатъий ажратилган жойларидан олиш керак.

## Товуш атакаси

Товушни тўғри чиқариш –атака бўлиб, труба ижрочилигида барча техникаси қуриладиган асос бўлиб ҳисобланади. Товушни вужудга келиши пайти атака деб айтилади. Атаканинг сифати, унинг равшанли ва эркинли лаб аппарати, тил ва нафаснинг тўғрилиги ва мослаштирилиш ҳаракати билан боғлиқдир. Товушнинг яхши атакаси доим ўзининг аниқлиги,ойдинлиги ва равшанлиги билан ажралиб туради. Аммо ижро этиладиган мусиқа характерига мос бўлиб, у майин, мустаҳкам, оғир ҳамда деярли шиддатли бўлиши мумкин.Мустаҳкам атака вақтида ҳаво оқими шиддатли йўналтирилади ва тилнинг тортиб олиши натижасида ҳаво оқимини имкони тез ва шиддат билан амалга ошади.

Қанчалик атака майин бўлса, шунчалик бу ҳаракатлар аста-секин ва осойишта бўлади. Ўқувчидан дастлабки дарсларда товушларни аниқ чиқаришга эришиш, ортиқча шиддатсиз, майинсиз тилни кучланишга олиб келишини талаб қилиш керак. Бу ҳол товушни бошланишида ноаниқлигига олиб келади.

Яхши атакага эришиш учун қуйидаги бўғинларни регистрга боғлиқ ҳолда айтиш тавсия этилади: пастдаги регситрада – “то” ёки “ту”, ўртада – “то” ва юқорида – “ти”.

Унли товушлар (о, у, а, и) талаффузи ўзгарилиши натижасида тилнинг ҳолатини ҳам ўзгаради. Демак, оқибатда чиқарилаётган ҳаво оғиз бўшлигидан ўтиб, уни катталаштиради ёки кичрайтиради. Оғиз бўшлигининг ўзгариши эса ҳаво оқимининг торайиши ёки кенгайишига олиб келади. Бу кeракли регистрдаги товушларни чиқаришини анча осонлаштиради.

Пастки регистрда товушлар чиқарилишида оғиз бўшлиғи энг катта (“то” бўғини).



Товушларни имкон қадар баландлашига кўра оғиз бўшлиғи кичрайтирилади (“ту”, “та” бўғинлари).



Энг баланд товушларда (“ти” бўғини) оғиз бўшлиғи анча торайяди.



Атаканинг ихтиёрий кўринишида тилнинг учи юқори тишларнинг четига озгина тегади, аммо унга ёпишмайди. Аввалдан тилнинг кучланишига йўл қўйилмайди.

**Штрихлар ҳақида**

Штрих деб товушларни чиқариш, юритиш, якунлаш ва бирлаштириш услуб-усуллари дея айтилади.Нота ёзувларида штрихлар махсус белгилар билан ифодаланади (нуқталар, чизиқлар лигалар, клинъямлар орқали). Штрихларни тўғри ишлатилиши ижрочи учун мусиқа асарининг мазмуни ва характерини чуқурроқ очиб беришига ёрдам беради.

Ҳар бир штрих ўзига хос хусусиятларига эга, аммо тил ва нафас ҳал қилувчи ўринга мансубдир.

Труба ижрочилигида қуйидаги штрихлар қўлланади: detache, legato, staccato, staccatissimo, marcato, martele, nonlegato,portato.

Штрихлар ва уларнинг ижродаги усуллари ушбу ўқув қўлланманинг маълум бўлимларида берилади.

## Баъзи амалий маслаҳатлар

Труба чолғуси техникасини эгаллашда, ўқувчи-талабанинг мусиқий ривожланишида яхши натижаларга эришишда нафақат ўтилаётган ўқув-амалий ва бадиий манбаларни сони ва сифатидан эмас, балки, энг аввало, нота матнини ва ҳамма штрихлар кўрсатмаларини аниқ ва тўғри бажаришидадир.

Тўғри ижро усулларининг ассосини ижрочилик аппаратини эркинлиги ташкил этади; бу демак лаб, тил, бармоқлар ва нафас олиш аппаратлари мушакларидаги дастлабки кучланиши ва ҳаракатининг тенглигини мавжуд бўлмаслигида.

Лаб аппаратини ривожлантиришда, уни қувватли, матонатли ва ҳаракатчанликка эга бўлиши учун аста-секин тизимли машғулотлар орқали амалга ошириш зарур. Лаб мушакларини ҳолдан тоймоқлиги жуда ҳавфли, айниқса, таълимнинг бошланғич даврида. Трубада машғулотларни таълимнинг биринчи даврида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Труба машғулотларини кунига 2 – 3 маротаба катта танаффуслар билан амалга ошириш, лаб мушакларининг мустаҳкамланиши ва ривожланишига кўра машғулотлар давомийлигини узайтира олиб бориш керак.

Трубанинг таълим жараёнида биринчи қадамданоқ эшитиш, хотира ва ритмни имкон борича ривожлантириш, ўқувчи-талабани мусиқа маданиятига эриштирмоқдир. Бунинг учун унинг диққатини тўғри ритмга, оҳангларнинг софлигига ва динамик рангларни бажаришига йўналтириш лозим. Фортепиано жўрлигида ёки ансамбль таркибида қатнашиши оҳанг ва ритмик шаклларини текширишда фойдалидир.

Такрорлантириш ёки қайтариб туриш ихтиёрий ўқув материалини ўрганишида муҳим ҳисобланади, аммо бу фойдасиз ёдлашга айланиб қолмаслиги керак. Онгли равишда, мақсадга қаратилган такрорлашни ҳамма вақт онг ва эшитишни узлуксиз текшириш билан олиб бориш зарур. Ҳар бир такрорланиш ижрода яхшироқ товуш чиқаришга, аниқлиги ва қатъиятли ҳамда ижрочилик усулларининг такомиллаштиришга интилиш керак.

Амалий машғулотларда техник машқлар ва этюдлардан ташқари мусиқа асарларини ўрганишига аҳамият бериш зарур. Босқичма-босқич мукаммалликка эришиш учун ижрочилик маҳоратни янада такомиллаштириш ҳам юксалтириш мақсадида турли жанрдаги мусиқа асарларини ижро этиш, жумладан, кўпроқ йирик мусиқа жанрларига эътибор қаратиш ва шу боис ҳар бир асар тўғрисида, унинг муаллифи ҳақида маълумотга эга бўлиш тавсия этилади. Мусиқа асари таҳлили ҳамиша таълим йўналишида ҳамроҳ бўлиши лозим. Бу талабанинг нафақат маҳоратини ошириш, балки унинг дунёқараши ва тафаккурини кенгайтириш ҳамда ривожланишига ёрдам беради.

Бошланғич ва махсус ўрта билими таълим йўналишида ўзлаштирилган ижрочилик усуллари консерваториянинг босқичларида янада мустаҳкамланади: товуш чиқариш, нафас олиш, ижро-техник усулларини мукаммаллаш каби билим ва кўникмаларни ривож олишига назарий ва амалий машғулотлар кўмак бўлади. Шу боис амалий машғулотларда машқлар ва этюдларга эътибор қаратиш, бу билан ҳар бир ижро услубидаги штрихларга кўпроқ вақт ажратиш, уларни янада такрорлаш йўналишда ўзлаштириш тавсия этилади. Ўқиш жараёнида ҳар бир талабага алоҳида эътибор бериш, уларнинг ўзлаштириш даражаси ҳамда имкониятларини назарга олиб дастурлар тузиш зарур.

Ҳар бир босқич ўқув дастурида берилган мусиқа асарлари устида кўпроқ ишлаш; жўрнавозлик уйғунлигига интилиш, талабадан мустақил фикр юритишга ҳамда мустақил ижодий-амалий машғулотларни оборишга эътиборни каратиш керак.

Труба чолғусини янада чуқурроқ ўзлаштириш, талабани профессионал маҳоратини ошириш, келгусида юқори малакали мутахассис-созанда (яккасоз ҳамда оркестр жамоаси ижрочи) ва ўқитувчи сифатида бўлиши мақсадида ушбу чолғу ижрочилик ихтисослиги бўйича талаба Давлат таълим стандартларига биноан ўқув режаси асосида тузилган ўқув дастури орқали билим ва кўникмаларни ўзлаштириб бориши лозим. Мақсадли равишда тузилган ўқув дастури босқичма-босқич талабанинг билимини ошириб

боришида бошқа фанлар – ансамбль ва оркестр ижрочилиги (ўқиш жараёнида ансамбль ва оркестр синф дарсларига қатнашиш), оиладош чолғуларни ўрганиш (масалан, валторна, тромбон, туба, корнет ёки флюгельгорн), мусиқа назарияси ва тарихи ҳамда гуманитар фанлари уйғунлиги орқали амалга оширилади. Ҳар босқич билан боғлиқ амалиёт ҳам юқори мусиқа ижрочилик маҳоратига эга кадрларни тайёрлаш учун муҳим ўрин тутади. Бинобарин, мазкур фаннинг асосий мақсади – келгусида талаба труба чолғуси ижрочилиги – яккасоз, ансамбль ва оркестр ижрочиси, ушбу чолғу ихтисослиги ўқитувчиси бўлиши билан бирга ўзбек ва жаҳон мусиқалари меросини кенгроқ билиши эса умумбашарий мусиқа маданияти ҳақида тасаввурларига эга етук мутахассис бўлишидир.

Бошланғич таълим йўналишида эришилган билим ва кўникмаларни янада такомиллаштириш (жумладан, чолғу товуш аппаратини ва умуман ўқувчи-талабани танасини қўйиш, ўрнатиш тартибига солиш; нафас олиш, ўзлаштирилган оддий ижро-техник усул ва услуб штрихларини), мукаммалликка эришиш бўйича машқлар, амалий ва мустақил иш фаолиятида ўқув дастурида мўлжалланган мусиқа асарларни (турли жанрлардаги жаҳон ва ўзбек композиторлари ижодидан) ўзлаштиришдир. Айниқса, ижрочилик техникасини юксалтириш мақсадида ҳамда ҳар бир мусиқа асарининг ўзига хос садоланиши ва характерини ифода этишда штрихлар юзасидан машқларини янада мукаммал олиб бориши ёрдам беради. Чунки замонавий композиторлик ижодиётида мураккаб ва мукаммал техник воситалари (замонавий техник ёзувлари қўлланиши) ўрин олмоқда. Бу жиҳатлар опера жанрлари ёки симфоник мусиқаси жанрлардаги асарларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Шу боис ҳар бир босқич жараёнида труба чолғуси штрихларига катта аҳамият бериш зарур. Таълим жараёнида билим ва кўникмаларни қўллаш оддийликдан мукаммалликка; оддий машқлардан то мураккаб этюдларгача; кичик жанрлардаги асарлардан то йирик соната ёки концерт жанрларгача (нафақат труба чолғуси учун, балки бошқа чолғулар учун мўлжалланган асарларни трубага мослаб) ижро этиш тавсия этилади (вақти-

вақти билан ўзбек мусиқаси мероси намуналарига ҳам эътибор қаратиш лозимдир).

Ўқитиш вақтида мутахассис-ўқитувчи ҳамма вақт талаба иқтидорини ривожлантиришга имкон даражасида ҳаракат қилиши, унинг ўзига хос жиҳатларини тўла намоён этиши, ҳар бир ижро этилган мусиқа асари ҳақида (шакли, характери, ижро услуби, қўлланилган ижро-техник воситалари, нафас ни тўғри ишлатиш, штрихлар ва динамикага эътибор қаратиш ҳамда асар муаллифи ҳақида маълумотлар бериш), унинг ихтисослашув чолғуси ижрочилигига хос ижро услубига кўпроқ соатлар ажратиш ва шу билан талабани мустақил ишга йўналтириш лозимдир.

Труба чолғусини ўзлаштириш натижасида талаба Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, малака ва кўникмага эга бўлиши назарда тутилади ва бевосита профессионал ижрочилик маҳоратига, ўз ижрочилик услубига ва репертуарига, дамли чолғулари оркестрига раҳбарлик қилиш ва ёш ижрочиларга таълим берувчи малакали ўқитувчи сифатида шаклланади.

**Труба чолғуси  штрихлари, улар билан боғлиқ ижро-техник машғулотлари малакаси.**

Труба чолғусида штрихлар техникасига алоҳида аҳамият берилади. Чунки штрих – бу чолғу ижрочилик маҳоратини ошириш усули; умуман овоз (лаб, тил, қўл, нафас) ва чолғу товуш аппаратлари мутаносиблигида товушни чиқариш, юритиш, якунлаш ҳамда товушларни бир-бири билан боғланиши усулидир. Бу ҳолат трубанинг ўзига ўрнатиши, нафас олиш ва чиқариш; товуш чиқариш  механизмларидан тўғри фойдаланиши натижасида амалга оширилади. Чолғуларнинг нота ёзувларида штрихлар ўзгача белгиланади ва ижро-техник машқлар орқали ўзлаштирилади.

Труба чолғусида ҳар бир штрих ифодасида тил ва нафас ҳал қилувчи ўрин эгаллайди; улар ўз хусусиятларига эга бўлади (ўқитувчи ушбу кўникмага эътибор бериши лозим). Труба чолғусида штрихларни тўғри қўлланиши мусиқа асарини мазмуни ва характерини чуқурроқ ифода этишига ёрдам беради. Бошланғич билим ва кўникмалар мусиқа мактаблари (оддий

штрихлар) ва ўрта махсус билим муассасаларида ўзлаштирилиб, машқ-этюдлар ва мусиқа асарлари ижрочилигида мустаҳкамланган.

Бакалавриат йўналишида дастлабки машғулотлар **деташе** усули орқали такомиллашади. Зеро, Detache (деташе) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлмаган товушларни аниқ ва тўғри чалиш усули. Бу штрих урғу (зарб)сиз аниқ ва очиқ атакаси билан характериланади. Ижрочиликда кўп учрайдиган штрих бўлиб, мусиқа асарининг жумлаларини якунлашда, айниқса, труба чолғусида тилнинг иштирокисиз товушни юмшоқ тугалланишига ёрдам беради.

## Л Е Г А Т О

**Legato** (легато – боғланма) – бир товушдан иккинчисига боғланиб, асталик билан равон ўтишдир. Ҳамма товушлар лига билан боғланган ҳолда бир узлуксиз нафас чиқаришида ишчан иштирок этади, кейинги товушларда эса товушнинг баландлигига мос ҳолда ҳаво оқимини узмасдан фақат ўз ҳолатини алмаштиради. Легато – бу товушларни бир-бирига уйғунлаб боғлашдир.

Ушбу ижро усули қуйидаги лига билан белгиланади:



Бир товушдан бошқа товушга глиссандо (сирғанма)ни эслатувчи силжимасдан ўтиш керак. Машқларда бир товушдан вентилни қўлламасдан ўтишни имконини берувчи аппликатура қўлланилади. Ушбу машқлар фақат лабнинг ҳаракатчанлигини ривожлантириб қолмай, нафасни ҳам ривожлантиради.

## С Т А К К А Т О

**Staccato** (стаккато – сақратма) – товушларни қисқа, узиб (парчалаб) ижро этиш усули; товушларни узиб-узиб, дона-дона қилиб чалинадиган усули.

Ушбу усулда тил ҳаракати тез, аниқ ва қувватлидир. Товуш ярим узунликда қисқартирилади. Бу штрих нота устида ёки тагида нуқта билан белгиланади.

**Ёзилиши:**  **Ижро этилиши:** 

Товушни чиқариш жуда аниқ (равшан) бўлиши, тилни кучланишисиз ва ортиқча шиддатли бўлмаслиги керак.

## С Т А К К А Т И С С И М О

**Staccatissimo** (стаккатиссимо – узиб-узиб) – товушларни таъқидлаб, узиб-узиб, кескин қисқартирилган ҳолда ижро этиш усули. Стаккатодан товушларни катта кескинлиги ва қисқароқлиги билан фарқланади.

Нота ёзувида нота устида ёки тагида клинишка (уч бурчак кўриниши) билан белгиланади.

**Ёзилиши:**  **Ижро этилиши:** 

## М А Р К А Т О

**Marcato** (маркато – белгиланган) – ажратмоқ, таъкидламоқ маъносини билдиради. Бу штрих товуш негизини ёрқин бўлиши, кейинчалик уни сусайган ва баъзи ҳолда қисқароқлиги билан ижро этишни талаб этади.

Нота ёзувида урғу (акцент) белгиси билан белгиланади.



## Н О Н Л Е Г А Т О

**Non legato** (нон легато – боғланмаган) – стаккатога яқинлашаётган штрих бўлиб, бунда товушлар орасидага пайза (тўхташ) унчалик билинмайди. Товуш атакаси юмшоқ, аммо урғулашмаган, тил иштирокисиз товуш тугаллаши ҳам юмшоқдир.

Нота ёзувида бу усул қуйидагича белгиланади:



## П О Р Т А Т О

**Portato** (портато – аниқ ифодалаш) – товушларнинг юмшоқ, таъсирли ифодаловчи, садолашнинг узлуксизлигини яратувчи ижро усулидир. Штрих легатога яқин, аммо бу ерда товушларнинг катта боғланганлиги сабабли тил орқали юмшоқ атака (чертмак) ҳосил бўлади (тил билан чертиб товуш чиқариш) ва кучли бўлмаган ҳавони туртиши билан худди бир товушни бошқасидан ажратгандек намоён бўлади.

Нота ёзувида чизиқча ва лига билан белгиланади:



## М А Р Т Л Е

**Martle** (мартле – урғули стаккато) – кескин, урғули стаккато. Стаккатодан анча оғир садоланиши ва товушларпнинг катта чидамлиги билан характерланади. Бу усул чертиб-чертиб, бурро, урғули (зарбли) стаккато, тўхталмали деташедир. Товушларнинг якуни кескин тил ёрдамида амалда оширилади.

Ушбу штрих нота ёзувида қуйидагича ёзилади:



## М Е Л И З М Л А Р

**Мелизмлар** (куй безаклари) – кичик шаклли куй безаклари. Труба чолғусида, асосан қуйидагилар қўлланади: форшлаглар, мордент, группетто, трель.

**Форшлаг** – кенг тарқалган безаклардан бири, куйнинг асосий товушини битта ёки бир неча оҳангдор товушлар билан безаш деб тушиниш керак. Форшлагнинг иккита хили мавжуд: қисқа ёки узун.

**Узун форшлаг** – асосий товушнинг узунлиги ҳисобига, унинг ярим вақтини ажратиб ижро этилиши зарур. Узун форшлаг майда нота билан белгиланади. Унинг нота чўзими асосий товуш кенглиги ярми билан тенг ҳолда ёзилади.

**Ёзилиши:**  **Ижро этилиши:** 

**Қисқа форшлаг** – бундан олдинги нотанинг ҳамда тактдан пауза чўзимига кўра ижро этилади.

**Ёзилиши:**  **Ижро этилиши:** 

**Мордент** (куй безаги) – қочирим. Қуйида кенг тарқалган мордентлар хиллари келтирилади.

**Оддий мордент:**

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

**Чизиб ташланган мордент:**

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

**Жуфт мордент:**

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

**Жуфт чизиб ташланган мордент:**

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

## Г Р У П П Е Т О

**Группето**(куй безаги) – бир неча (4-5)нотадан ташкил топган безак. Қуйида кенг тарқалган группетоларнинг хиллари келтирилган.

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

Ёзилиши:  Ижро этилиши: 

## Т Р Е Л Ь

**Трель** (куй безаги) – бидратма. Трелни ўрганиш ва ўзлаштириш аста-секин суръатда, силкишсиз, бир товушдан тошқа бовушга текис ва равон ўтишга эришган ҳолда ўтиш талаб қилинади.

***Трельни ижро этишга оид мисоллар.***

Ёзилиши:

Ижро этилиши:




***Юқори нотада бошланувчи трель.***

Ёзилиши:

Ижро этилиши:




### Ёрдамчи атакалар (чертмак)

**Ёрдамчи атака** (сидирға – мураккаб ва усталик билан ижро этиладиган қисм) деб пассажларни жуда тез суръатда жуфт ва учталик стаккатоларни ижро этилиши тушунилади. Атаканинг бу тури моҳияти – ҳаво оқимини нафас чиқаришида клапан ролини навбатма-навбат тил учи ва унинг орқа қисмини ўзаро алмашиб ишланиши деб тушиниш керак. Жуфт стаккатони ижро этишда биринчи товуш тил учи ёрдамида чиқарилади (оддий атака), “ту”, “та” ёки “ти” бўғинини айтгандек; иккинчиси – тил орқаси ёрдамида “ку”, “ка” ёки “ки” бўғинини айтиш орқали чиқарилади.

Учталик стаккатода биринчи икки товушлар оддий атака (“ту”, “та” ёки “ти”), учинчиси – ёрдамчи атака (“ку”, “ка” ёки “ки”) орқали чиқарилади.

Ёрдамчи атака устида ишлаётганда товушнинг бирхил садоланишга ва кучга тилнинг қайси қисми ёрдамида чиқарилаётганидан қатъий назар эришиш зарур. Дастлабки машқларни аста - секин ҳар бир товушни чўзиб ва ҳавони тез уриши билан ёрдамчи атакага бир қанча ёндошиш орқали ижро этиш керак.

Труба чолғучисининг  таълими жараёнида ижро-техник машқларга катта аҳамият берилади. Шу боис ҳар бир босқичга мўлжалланган ҳамда талабанинг имкони, ўзлаштириш натижалари ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда турли машқлар ва этюдлар ҳавола этилади. Юқори курсларда мураккаб шаклдаги ва мукаммал ижро усулли амалий машқларга мурожаат этилиши лозим.

## II БОБ

# И. ЛЕОНОВНИНГ ТРУБА ВА ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТИ ТАҲЛИЛИ

## 2.1. Концерт, труба ва оркестр учун Концерт асари тавсифи

Классик мусиқасига ҳос бўлган асосий жиҳат - мавзунинг ёрқин ва куйчанлигидир. Ҳозирги кунда кўплаб самарали ижод қилаётган ўзбек композиторлари Ф.Янов-Яновский, М.Махмудов, М.Бафоев, Х.Рахимов, Ф.Алимов, А.Мансуров, А.Хошимов, Х.Хасанова, О.Абдуллаева, Ж.Шукуров ва бошқа кўплаб замондошлар ҳам камер чолғу асарларида мавзуийликка алоҳида урғу берилади. Айниқса, композиторларнинг мумтоз куйининг чолғу йўлидан фойдаланганлиги ўзбекона хусусиятини берган.

И. Леоновнинг труба ва оркестр учун концерти мавзулари лирик ва қахрамона характерда бўлиб, асар уч қисмли шаклдан иборат. Асарнинг биринчи ва учунчи қисмлари жонли ва харакатчан бўлса, унинг иккинчи қисми, биринчи ва учинчи қисмларига контраст холда лирик ва сокинлик характерига эга.

Айтиб ўтиш керакки, И. Леоновнинг ушбу концертида лирик-куйчан оҳангдорлик мавжуд. Бундай деб айтишимизга асос қилиб асарнинг иккинчи қисмини келтиришимиз мумкин.

Лирик-куйчанлик хусусият билан иккинчи кисмнинг “Adagio” деб номланиши лирик образнинг биринчи сабаби сифатида эътироф этилиши мумкин. Албатта бу ерда давр мусиқа намоёндаларининг таъсирини сезишимиз мумкин. Айнан уларнинг ижодида сокинлик асосий қисмлардан бирига айланади.

Асарнинг биринчи қисми қахрамона, кўтаринки, олийжаноб характерга эга. Унда турли образларнинг қарама–қарши келишини кўришимиз мумкин. Ушбу образлар аввалом бор драматик лирика билан боғланганини

кўришимиз мумкин. Биринчи қисм ўзига хос мураккабликларга эга бўлиб, солистдан катта ижрочилик махоратини талаб қилади.

Шу билан бирга асарнинг биринчи қисми турли хил пассажларга бой. Биринчи қисм **Allegro** оркестр ва яккахон ижроси кўринишида бошланади. Унда оркестр ижро этувчи мусиқа қахрамон образини кузатиш мумкин.

Лирик – қахрамонлик мавзуси биринчи қисмда шаклланади. Айнан шу сабабли у тингловчининг диққат эътиборини тортади. Асар давомида солистнинг каденцияси янграйди. Биринчи қисм асосан соф мажор тоналлигига асосланган.

Биринчи қисмнинг кириш қисми мардонавор бошланади. Ундаги биринчи даврия кўтаринки рухдаги характерга эга.

**И. Леоновнинг труба ва оркестр учун концертидан:**



Тоникадан бошланувчи харакатлари мотиви оркестр ва яккахон ижрочида унисон билан янграйди. Айнан шу мавзунинг ўзи экспозицияда хам оркестр ижросида янграйди (мисолларда кларвир кўриниши берилган).

Асарнинг кириш қисми оркестрдаги харакатчан фактура билан бошланади. Сўнг айтиб ўтилганидек яна савол жавоб жараёни кузатилади. Оркестрдаги кириш қисмда турли гармоник алмашинувлар ғоявий рухиятни кўрсатиб, концерт жанрига хос равишда драматик мавзуни кўрсатади. Бош мавзу оркестр томонидан бир неча маротаба янграгандан сўнг яккахон

труба чолғусида асосий тоналликда янграйди. Мавзуийликнинг келиб чиқиш тарихи классик мусиқанинг илк намуналарига хос. Труба чолғуси учун ёзилган куй йўналиши дамли чолғулар нота ёзуви услубларини ижодкор яхши билганлиги, ижро имкониятларидан келиб чиққан холда яратилгани сезилиб туради. Бош мавзу тенор калитида ёзилган бўлиб, бу ижро учун қулайлик яратади.

**И. Леоновнинг труба ва оркестр учун концертидан:**




Яккахон ижрочида тоналлик ўзгариши, стакатто ва харакатчан пассажлар асарнинг бадиий қийматини, доимий импулсини таъминлаб берганлигини тинглаш мумкин. Битирув малакавий ишнинг биринчи бўлимида труба чолғусининг ижро имкониятлари хақида сўз юритилган ва ўрганиб чиқилган эди. Нота мисолларидан кўришимиз мумкинки асар давомида турли интервалларга сакрашлар ва штрихлар қўлланган.

Концерт жанрига хос бўлган мусобоқа жараёнини фактура ва модуляциялар ёрдамида кўриш мумкин. Бош мавзу асосий тоналликда янграгандан сўнг соль мажорда янграган ва бир мунча кичик каденциялар яккахонда янграб оркестр билан мусобақа давом этади.

Асарда яккахон ва оркестр муносабатлари, мусиқий матннинг харакат йўли бир-бирига қарама-қарши эканлиги характерни кўрсатиб беришга хизмат қилади. Бош мавзудан сўнг ёрдамчи мавзуга бевосита уланиб кетади. Биринчи қисм экспозицияси ёрдамчи партия янграши билан кўрсатилади. Ёрдамчи партия чўзимли товушларда характерланади.



Экспозициядан сўнг бош мавзу оркестр ижросида янграб ривожлов қисмини бошлаб беради. Ривожловда гармоник ва турли ўзгаришлар кузатилади. Ёрдамчи партия бош партияга нисбатан лирик-куйчанликга эга. Шу билан бирга ижрочидан юқори техник маҳорат ҳам таълаб қилинади.

Труба ижрочиси нафас олиш тизимини аниқлаштириб олиши ва фразаларнинг тўғри ижро этилишига диққатини қаратиши керак.

Асарнинг биринчи қисми анча эркин холатда берилган. Унда лирик мавзуларнинг хилма–хиллиги келтирилган.

Ривожлов қисмида труба чолғусига хос бўлган гамма, арпеджио пассажлари турли штрихларда кўрсатилган.




Бу мисолда хам труба ва оркестр партиясининг мусобақаси яққол эшитилади.

Биринчи қисмнинг репризаси оркестр ижросида келади. Репризада кириш қисмининг мавзуси тўлиқ ва аккордлар кўринишида янграйди. Бу холат мавзунинг патетик характерини кучайтиради.

**И. Леоновнинг труба ва оркестр учун концертидан:**




Бош партиянинг ўзгарувчан куй йўли да мажор тоналлигида янграйди. Шу билан бирга бош партиянинг ўзгартирилган кўриниши оркестрнинг ижросида кузатилади.

Репризада оркестрга йўл берилиб яккахон ижрочи келгусидаги ижро йўлига тайёргарлик кўриши лозим. Оркестрнинг тутти холатидаги ижроси қахрамона хусусиятга эга. Унинг тингловчиларга мусиқий ифодавий воситалар ёрдамида анчайин мураккаб техник имкониятлари драматик образларни кўрсатиб туради.

**И. Леоновнинг труба ва оркестр учун концертидан:**




Реприза тонал жихатдан яққол кўрсатилмаган бўлиб, у биринчи қисмнинг ривожи сифатида янграйди, лекин охириги кўринишида си бемоль мажор, асосий тоналликда ифодаланади.



Реприза тўлиқ ёрдамчи мавзу билан бирга янграйди. Асосий тоналликда.




Биринчи қисмнинг якунланиши жуда ҳам қизиқарли берилган ва у ривожлов хусусиятга эга. У ижрочидан нафас олиш тизимини мустахкамлашни ва барча лигаларга эътибор қаратишни талаб қилади.

Иккинчи қисм adagio бўлиб, романтик композиторларнинг ижодида кўп учрайди. Бу ерда асосий мавзуни яккахон ва оркестр  навбатма навбат талқин этади. Бу қисмда саноқ ва куй йўли кескин тарзда фарқланади.

Иккинчи қисмда хам оркестр ва трубанинг савол – жавобларини тинглашимиз мумкин. Лекин шунга қарамасдан  яккахон ижрочининг мавзуси жуда сокин ва лирик ҳарактер касб этади. Иккинчи қисм си бемол мажор тоналлигида берилган.

**И. Леоновнинг труба ва оркестр учун концертидан:**




Айтиб ўтиш керакки, трубанинг ижросида dolce яъни сокинлик ва нозиклик харакатлари кузатилади. Ижрочи нозиклик билан барча кўрсатмаларга ва лигаларга амал қилган холда ижро этиши керак.

Юқорида айтиб ўтилган харакатлар аста секинлик билан нафис оҳангларда янгайди. Иккинчи қисмнинг охиридаги асосий образни труба ижро этади. Трубада ижро этиладиган турли пассажлар аста секинлик билан, юқорига ва пастга бошловчи товушлар орқали барқарорликка олиб келинади. Бу ерда ҳам оркестр жўрнавоз  вазифасини бажаради.

Оркестр фактураси классик тамойилларга асосланган бўлиб мусиқий ифодавий воситалар ёрдамида гармоник жихатдан хар бир лавхада ўзгариб боради.

Мазуийлик хроматик равишда ривожланиб юқорида айтиб ўтилганидек классик моҳиятни сақлаб қолган. Яккахон ижрочининг мавзуси труба чолғусининг мусиқий услубига хослиги, ижро имкониятларини хисобга олинганини кўриш мумкин.

**И. Леоновнинг труба ва оркестр учун концертидан:**



Иккинчи қисмнинг репризаси озгина ўзгартирилган ҳолда янграйди. Ундаги аккордлар янада кучлироқ кўриниш касб этади. У турли трансформатцияга берилган.

Яккахон ижрочининг ижро йўлида мусиқий оғишмалар, модуляциялар ва труба чолғу услубиётига хос мусиқий ифода воситаларини кўриш мумкин: трел, қочиримлар(фаршлаг), акцент ва лигалар.

Кичик октавада труба чолғусининг тембири диапозон жихатдан қулайлиги боис уларда техник имкониятлар кўпроқ. Зеро, нафас олиш ва апликатура томондан мураккаб хисобланади.

Учинчи қисм финал қисми бўлиб у Allegro moderato шаклида ёзилган. Бу хақда унинг харакатчан мавзусидан ҳам кўрсатиб турибди. Айнан И. Леонов яшаган даврларда айнан концерт каби жанрлар урфда бўлган.

Бу ерда ритм структураси аниқ қилиб берилган. Учинчи қисм оркестр ва трубанинг катта кириш қисми билан бошланади ва унинг ижроси билан бошланади асар давомида айнан шу мавзу янграйди.

Динамик суръатларнинг ўзгариши, айнан октава сакрашлар ва пассажларда ўзига хос жозиба бағш этади.

Трубанинг оркестр билан ижроси янада мураккаблашади бу ерда жуда ҳам кучли пассажлар ва қисқа паузаларни кузатишимиз мумкин. Учинчи қисм оркетрнинг туттиси билан билан давом этиб классик фактурани яна бир бор такрорлайди. Асар давомида турли хил ритмик хусусиятларни кузатиш мумкин.

Труба ва оркестрнинг ижроси якунланганидан сўнг оркестрда асосий мавзу янграйди. Асарнинг ушбу қисм жуда катта бўлиб, трубанинг соло ижросигача драматик хусусиятни ва интилишни оширади. Бу вақтда труба ижрочиси дам олим кейинги кучли ижрога тайёргарлик кўра бошлайди.

Трубанинг соласи жуда ҳам мураккаб бўлиб, ижрочилан катта моҳоратни талаб қилади. Бу ерда биз ритмик мураккаб пассажларни, қисқа ва узун лигаларни кузатишимиз мумкин.

Учинчи қисм концерт шаклида эканлиги мавзунинг турли хил фактуралар билан тўқнаш келиши бадиий хусусиятни, жанрни янада бой эканлигини кўрсатади . У ерда биз труба соласининг сакрашларга бой ижросини ва оркестр ижросидаги, аккордлар кўринишидаги аккомпониментини кузатишимиз мумкин.

Учинчи қисм кесимида труба ва оркестр партиялари жанр жихатдан мураккаб ва мусиқий бадиий фактуралар бой эканлигини эътироф этиш лозим. Репризада ўзига хос равишда труба чолғусининг ижро имкониятлари, техникаси кўрсатилган.

Айтиб ўтиш керакки концерт жанрининг финали, учинчи қисмида концерт шакли қўлланиши жанрнинг тамойилини, талабини, ечимини топишда ўзига хос устунлик яратиб беради ва муваффаққият билан таъминлайди.

## 2.2. Труба ва оркестр учун си♭ мажор концертининг таҳлили

Ушбу битирув малакавий иш мавзусининг чолғу концертига бағишланган илмий-ижодий бўлимида бакалавр даражасини олиш учун давлат аттестациясига тақдим этаётган “**Труба ва оркестр учун си♭ мажор концерти**”нинг диплом ишида имкон қадар яккахон чолғу(труба) техник имкониятларидан, унинг тембридан, турли хил мусиқасига хос бўлган мусиқий ритмлардан, ёрдамчи мавзуда гўзаллик нафаси уфуриб туриши учун композиторлик мусиқий воситаларидан унумли фойдаланишга харакат қилинди.

Асарни ижро этиш жараёнида кўплаб жаҳон мусиқаси ижрочилари ёзув тасмалари ижодидан труба ва оркестр учун ёзилган концерлари тингланди. Ҳусусан, жаҳон мусиқаси композиторларидан ДЖ.Гершвин, М.Равель, С.Прокофьев, С.Рахманинов, Д.Шостакович, Ф.Лист, А.Брамс, Вена классик мусиқа мактабидан Л.В.Бетховен, В.А.Моцарт, замонавий композиторлардан Ф.Сай, И.Сарабский, Г.Мушель, Р.Хамроев, А.Малахов, М.Тожиев, Т.Қурбонов каби ижодкорланинг асарларини тинглаб улардан чолғу концертида яккахоннинг мусиқий ижрочилик имкониятлари, асарда оркестрнинг ўрни, чолғуларнинг оркестрда турли мусиқий-композицион воситалар ёрдамида ишлатилиши, партитура ёзилиши ва унинг мураккаб жиҳатлари каби қонун қоидаларни кузатилди.

Битирув малакавий иши учун труба ва оркестр учун Концертнинг оркестр билан хамоханглиги, имкониятлари ўрганиб чиқилди.

Асар уч қисмдан иборат бўлиб, соната аллегроси шаклида ёзилган. Унинг экспозициясида кириш, бош мавзу ва ёрдамчи мавзулар бор. Экспозициядан сўнг Ривожлов қисми келади. Унда бош мавзу ва ёрдамчи мавзулар гармоник, ритмик, образли жиҳатдан ривожланади. Ривож қисмида акс этадиган драматургик жараёнда мавзуларнинг буткул қарама-қарши қиёфаларга кириши кузатилади.

Оркестр кириш мавзусини кескин динамикалар ва аккордлар билан бошлаб бош мавзуга йўл беради.

Бош  мавзу ми бемол мажор тоналлигида бошланиб, яккахон ижрочининг партиясида кузатилади. классик ритмга асосланган, кескин ҳаракатчан, сакрашлар ва турли оғишмалар, ўзгарувчан лад орқали акс этадиган ушбу мавзу унисон тарзида f (форте) воситасида янграйди. Турли динамик штрихида драматик равишда унга жўрлик вазифасини бажарувчи чолғулар ўзгача безак беради.

И. Леоновнинг труба ва симфоник оркестр учун ми бемол мажор концерти 3 қисмли сонато аллегро шаклида бўлиб, истисно сифатида финал концерт шаклида яратилган. Ўзига хос равишда труба ижро имкониятлари хисобга олинган. Биринчи қисм Аллегро бўлсада охир вазмин характерга эга. Бу қисмда аввало асарнинг бош ғояси ва мавзуси сингдирилган. Қахрамона образга эга ушбу мавзу асар охиригача янграгандек туйилади. Экспозиция классик талабларга мос бўлиб, ёрдамчи мавзу, сўнг ривожлов қисмларга эга.

Иккинчи қисм адажио бўлиб унда куйчан оҳанг биринчи ўринга кўтарилган. Оркестр ва труба мусобоқа шаклида мавзуни ижро этадилар.

Учунчи қисм концерт шаклида ёзилган бўлиб ўзининг эпизод ва лейт мавзулари кўп маротаба янграйди. Харакатчан, сакрашлар ёрдамида қахрамона хусусиятга эга мавзу эпизодлардан сўнг оркестр жўрлигида, модуляциялар билан бойитилган.

И. Леоновнинг ижодида гармония, шакл ва мавзулар классик тамойилларга таянади. Унинг концерт жанри, шаклига беқиёс хиссасини эътироф этиш жоиз.

Мусиқа асарлари ўз даврида ўзга миллат вакиллари мусиқаси билан ўзаро муносабатда бўлиб, шакл жиҳатдан оддий бир қисмлилик ёки соната-аллегро шаклларига бўйсунади. Мусиқий ижодиётда камер чолғулар учун ёзилган асарлари қатъий бир мавзу асосида бўлиб анчайин полифоник, гармоник ифодавий воситаларга бой ҳисобланади. Албатта миллий мусиқамизга бой, минталитетимизга хос бўлган асарлар шакл муносабатларига қатъий риоя қилган. Москва давлат консерваториясида

таълим олган мусиқашунослар, композиторлар бир қанча камер асарлар ёзиб уларни ижро эттирган.

Ҳозирги кунда труба ва фортепиано чолғуси ҳақида билмаган, унинг мунгли, ифодавий тембри (оҳанги), нафис овозининг бойлиги ҳақида эшитмаган инсон бўлмаса керак. Ижрочилар труба чолғусининг бой ижро имкониятлари, симфоник оркестр ва камер асарларда, яккахон ижрочиликда ҳам нақадар бетакрор эканлигини эътироф этишади.

Камер чолғу мусиқасининг ривожланиш босқичлари бир қатор ғарб давлатлар (Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия ва б.) ҳалқларидан бўлиб ҳозирги кунгача қўлланилади. Француз мусиқачиси Флибер шундай дейди: “Юқори мансабдор инсонлар даврасида труба (эски, шакли каттароқ бўлган чолғу) номли чолғу ишлатамиз, маҳаллий ишчилар, кичикроқ тўй маросимларида рақс тушиш учун мўлжалланган чолғуни эса труба деб атаймиз” деган фикри айнан чолғу мусиқасининг тарихий ривожланиш босқичларига изоҳ беради.

Камер чолғу асарларида энг аввало шакл мусиқий яхлитликни белгилайди. Бунда куй мавзуси, ритм, гармония, хар бир қисмнинг вазифалари асар муваффаққиятли чиқиши асосий омил саналади. Айнан камер чолғу мусиқасида оддий икки қисмли шакл, оддий уч қисмли шакл, мураккаб икки қисмли шакл, мураккаб уч қисмли шакл, вариация шакли, концерт, соната, концерт-соната каби мусиқий шакл профессионал мусиқамизда кўп учрайди.

Барча классик мусиқа шаклларидан соната шакли мақсадли ва жўшқин характерли бўлиб, барча жаҳон композиторларининг асарларида кузатиш мумкин. Камер чолғу мусиқасида соната шакли бошқа мусиқий шаклларга нисбатан кўп учрайди. Соната шаклида экспозиция, тонал ва унга қарши икки мавзу бўлади. Ўрта қисмда яъни ривожловда экспозициядаги икки мавзудан бири асосида ривожланади ёки янги мавзу янграйди. Асарнинг репризасида эса икки мавзу тонал жиҳатдан бир-бирига яқинлашади. Соната шаклида тематизм ўзига хос равишда хар бир асарда янгича талқинда юзага келади. Ушбу шаклда асар яратиш жараёни жўшқинроқ ва унумли ҳисобланади.

Соната шаклининг  экспозицияси асосий тоналликда бош мавзу билан бошланади. Экспозициянинг бош мавзуси асарнинг шаклий ва мусиқий-ифодавийлиги билан асар яхлитлигини таъминлайди.

Ёрдамчи мавзу – янги образлар доирасида бўлиб, бош мавзуга контраст равишда янграйди. Ушбу мавзу қоидасига кўра лирик-куйчан, харакатчан бўлиши лозим. Экспозицияда ёрдамчи мавзунинг оҳирги янграшида унинг асосий тоналлигини тасдиқлайди.

Ривожлов мавзуси соната шаклининг энг ўзгарувчан қисми бўлиб, у экспозиция мавзуларидан бирини ривожлантирган ҳолда узлуксиз давом этиши мумкин.

## II боб бўйича хулоса

Хулоса ўрнида, концерт ижрочиларининг юқори регистр товушларини бармоқлар ёрдамида мукаммал ўзлаштиришларига ёрдам беради. Қолаверса, замонавий труба ижрочиларининг бадиий тафаккурини юксалтиришга, техник маҳоратини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлаш зарур.

Учинчи қисм қахрамона характер билан якунланади. Яккахон партиясида жўшқин, ёрқин мавзулар ифодаланиши, тантанавор руҳда ижро этиш ўринли.

Мазкур Битирув малакавий иши мавзусига кўра Концерт таҳлили атрофлича ўрганилди. Унинг барча бўлимларидан мисоллар ёзилиб барча техник ва имкониятлар борасида фикр юритилди.

Ҳозирги кунда ижод қилаётган кўплаб композиторлар томонидан камер асарларга, хусусан, дамли чолғуларда ижрочилик санъати учун махсус асарлар яратилмоқда, ва бу самарали ижод маҳсули ўзбек симфоник оркестри ва ансаблларида ижро этилмоқда. Ушбу асарларнинг ижро амалиётида техник имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ёзилиши ва труба ижрочилик санъатида юксак чўққиларга эришиши учун унинг барча техник имкониятларидан унумли фойдаланиш лозим.

Зеро, ўзбек мусиқа ижодида труба чолғуси учун ёзилган асарларнинг салоҳияти бугунги кунда долзарб муоммолардан бири бўлиб, унинг жаҳон мусиқаси савияси даражасида ижро этилиши бирмунча мураккаблигича қолмоқда.

# КОНЦЕРТ
## ДЛЯ ТРУБЫ С ФОРТЕПИАНО

**Скоро. Величественно** *И. Леонов*




ускоряя
p
ff
ff
p
ff
ff


замедляя
Умеренно скоро


1
mf
mf


m. d.
mf певуче
m. d.
mf


2
ff
ff
m. d.
m. d.
m. g.


ускоряя
3
mf
mf


f
f
mf
mf


f
mf
ff
f
ff


замедляя
4
Менее подвижно
p певуче
не ускорять
mf выразительно


5
p
замедляя


6
Первоначальный темп
С воодушевлением


замедляя
7
с блеском


замедляя
8 Решительно. В темпе
p
mp


mf
f
mp
ff
9
Произвольно


замедляя
10
Скоро. Возбужденно
с блеском
f
f


p
11
mf


усиливая
mf
усиливая
mf
f
f
f


замедляя
mf
f
12
Величественно
ff
p
усиливая
f


замедляя
13 В первоначальном темпе
ff
ff


замедляя
Каденция
постоянно ускоряя
замедляя


14
ff
ff
ff
Первоначальный темп
mf
замедляя
mf
8




m. d.
m. d.


15
p
f
ff


f
mf
mf



замедляя
16
Менее подвижно. Выразительно
p
певуче
mf
p
замедляя

**17** **Первоначальный темп**





замедляя
постепенно усиливая
постепенно усиливая
18
Оживленно


19
ff